ЭНДИ АГРОФИРМА БЎЛАДИ

ХОРАЗМ. Тупроққалъа мавзесидаги хўжаликлар кейинги пайтда иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлолмай келарди. Вилоят ҳокимининг қарори билан бу ҳудудда агрофирма ташкил қилинадиган бўлди. Тупроққалъа ҳудудида яқин йилларда 150 минг гектар ер ўзлаштирилиб, ҳосилдорликни оширишга ва чорва маҳсулдорлигини кўтаришга ҳаракат қилинмоқда. Муҳими, агрофирма тузилиши натижасида ишчи ўринлари янада кўпаяди.

Рўзимбой ҲАСАН.

ЙИЛ+ОЙ+КУН

БОҒЧАГА 12 ТА ГИЛАМ

БУХОРО. Жондор туманидаги М. Торобий номидаги жамоа хўжалигида гилам тўқиш цехи иш бошлади. Бу ерда 20 киши меҳнат қилиб, ойига 10 тадан чўғдек бежирим гилам тўқилмоқда. Цех бошлиғи Бахтиёр Адизовнинг айтишича, тўқилган гиламлардан 12 тасини болалар боғчасига совға қилиш кўзда тутилган.

Шоира МЎМИНОВА.

вокеалар, хабарлар

УЙДА ТЕГИРМОН БЎЛСА

СИРДАРЁ. Сайхунобод туманидаги "Янгиобод" ширкатлар уюшмаси аҳолиси ўзи етиштирган буғдойни торттириш учун қўшни хўжаликка олиб боришга мажбур бўларди. Тадбиркор Нормурод Раҳмонов Нуротадан тегирмонтоши келтириб, ўз уйида тегирмонни юргизиб юборди. Йўл азобидан қутулиб, оғирлари енгил бўлган ҳамқишлоқлар ишбилармондан беҳад мамнун.

Юсуф АБДУАЛИМОВ.

янгиликлар, фактлар

УЙ БЕКАЛАРИ ҚУВОНЧИ

НАМАНГАН. Вилоят марказидан Янгиқўрғоннинг Исковот қишлоғига тортилган газ тармоғи орқали Косонсойга "зангори олов" етиб келди. 15 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилиб, 5 километрга юқори босимли газ қувурлари ётқизилди. Энди уй бекаларининг мушкуллари осонлашади.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

ЙИЛ+ОЙ+КУН

ИЖОДКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

ТОШКЕНТ. Мирзо Улуғбек номидаги ТошДУ маданият саройида қизиқарли учрашув бўлди. Журналистика факультети кафедра мудири Ҳ. Акбаров йиғилишни бошқарди. Ўзига хос кечага "Соҳибқирон Амир Темур" фильми ижодкорлари келишди. Режиссёрлар И. Эргашев, Ў. Алихўжаев, оператор Р. Иброҳимов ҳамда бош роль ижрочиси Беҳзод Муҳаммадкаримовлар талабаларга фильм ҳақидаги ўз таассуротларини сўзлаб беришди.

Хайрулла АБДУЛЛАЕВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 11 март, сешанба № 31 (22.115).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 11 мартдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: */

1 Австралия доллари	45,47
1 Австрия шиллинги	4,81
1 Англия фунт стерлинги	92,83
10 Бельгия франки	16,39
1 Голландия гульдени	30,03
10 Греция драхмаси	2,16
1 Дания кронаси	8,87
1 БАА дирхами	15,75
1 АҚШ доллари	57,84
1 Миср фунти	17,07
1 Ирландия фунти	89,92
1 Исландия кронаси	0,81
10 Испания песети	3,99
100 Италия лираси	3,40
1 Канада доллари	42,24
1 Хитой юани	6,97
1 Кувайт динори	190,44
100 Ливан фунти	3,75
1 Малайзия ринггити	23,36
1 Германия маркаси	33,82
1 Норвегия кронаси	8,39
1 Польша злотийси	18,72
10 Португалия эскудоси	3,36
1 Сингапур доллари	40,39
1000 Туркия лираси	0,46
1 Финляндия маркаси	11,33
1 Франция франки	10,02
1 Швеция кронаси	7,55
1 Швейцария франки	39,19
1 ЭКЮ	65,65
10 Жанубий Корея вони	0,66
10 Япония иенаси	4,76
1000 Россия рубли	10,16
1 Украина гривнаси	31,58
1000 Беларусь рубли	2,48
1 Эстония кронаси	4,56
1 Латвия лати	99,55
1 Литва лити	14,46
1 Қозоғистон тенгеси	0,77
1 Қирғизистон соми	3,33

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 март куни «Боинг» компанияси тижорат самолётлари гуруҳи президенти Р. Вудардни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги алоқаларнинг кенгайиб бораётганини қайд этар экан, «Боинг» компанияси билан ҳамкорлик бу муносабатларнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилишини таъкидлади. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси жаҳонга машҳур «Боинг» самолётларидан фойдалана бошлагани Американинг ушбу компанияси билан ҳамкорликнинг илк босқичини ташкил этади ва бу борада ҳали ишга солиниши лозим бўлган талай имкониятлар мавжуд, деди жумладан Президент Ислом Каримов.

Суҳбат чоғида «Боинг» компанияси билан Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат ҳиссадорлик жамияти, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, мамлакатимиздаги айрим олий ўқув юртлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Бош вазир Ў. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Норов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

(ЎзА).

СУРАТДА: қабул пайти А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ЯНА КЕЛДИ, ЭЛ КУТГАН БАҲОР

Элимиз кутган баҳор ҳам келди. Ризқ-рўзимиз далаларда, боғларда, яйловларда. Бу баҳор ниҳоятда улкан юмушлар палласи бўлади...

Дарҳақиқат, ўтган йилги, баҳор қашқадарёликлар учун навбатдаги синов бўлган эди. Улар табиат инжиқликларини ҳам кўтаришди, жазму ғайрат билан тер ҳам тўкишди.

Бу йил ҳам Қашқадарёда чакана ишлар бўлмаяпти. Қарийб ўн минг гектар ерга андижонликлар усулида чигит экилади. Ғаллазорларда мутлақо янги нав буғдой ва арпа ниҳоллари кўкармоқда.

Кўпроқ узум, сабзавот, картошка етиштириш керак.

Вилоят ҳокимлигида қутлуғ Наврўз байрамига тайёргарлик масаласи қизғин муҳокама қилинди. Бунга сабаб бор, албатта. Ободончиликда муайян ютуқлар билан бирга, анчагина зарур ишлар тўпланиб қолгани маълум бўлмоқда. Қўшни вилоятлар билан туташ автойўллар четларида дарахтлар ўстириш, шу жойларда дўконлар, маиший, техника хизмати кўрсатиш тизимларини барпо этиш қониқарсиз аҳволда. Айниқса, вилоят маркази— Қарши шаҳрини ободонлаштиришга катта эътибор зарур.

Хуллас, баҳор қашқадарёликлар учун ҳам турфа юмушлар ва режаларнинг бошланиши бўлмоқда. Наврўзи олам арафасигача бу тадбирларнинг асосий қисми амалга ошади. Куртакларга сув югурган, она замин уйғонган ушбу паллада Наврўз эзгуликлари дилимизда мавжланмоқда. Илло, унинг қадами қутлуғ бўлсин!

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚИЗИЛ ҒЎЗА-ТАБИАТ МЎЪЖИЗАСИ

Селекциячи олимлар диққатига!

Фарғона туманидаги «Фарғона»жамоа хўжалигининг ферма бошлиғи Э. Қўзиев 1993 йил бошларида дала айланиб юриб, ғаройиб ҳодисанинг гувоҳи бўлди. Кўм-кўк ғўзалар тизимида икки дона қип-қизил ғўза ниҳоли ажралиб турарди. Кўп ўтмай бу ерга етиб келган бригада бошлиғи Олимжон Жўраев звено бошлиғи қўлидаги бир туп қип-қизил ниҳолни кўриб ажабланди. Қолган бир тупини юлмай, авайлаб парваришлашга тушишди. Кузга келиб ҳалиги бир туп қизил ғўзадаги 28 дона кўсакнинг ҳаммаси қийғос очилди. Ғўза пахтасини бериб, чигитини ажратиб олишди, 1994 йили ҳалиги жойдан 15 кг. пахта олинди. Пахтадан чиққан 10 кг. чигитни колхоз агрономи М. Маҳмудов маслаҳатига биноан 1995 йил баҳорида 10 сотих ерга сеялкада экишди ва шу йил баҳорда кучли жала, селлар бўлишига қарамай ғўза яхши униб чиқди. Кузга келиб 10 сотих ердан 700 кг. қизил ғўза пахтаси олинди. 1996 йили эса қизил ғўза уруғи 1,5 гектар ерга экилди.

— Ўтган йили 16 апрель куни экилган қизил ғўза чигити яхши униб чиқиб, тез ривожланди. 11 июндаёқ гулга кирди, — дейди «Фарғона» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси М. Тоғаев, — 5 августда эса пахта очилди. 20 августда ҳосилни чамалаб кўрганимизда қизил ғўза нави бир гектар ерда 63 центнердан ҳосил тўплагани аниқланди. Бу мўъжиза эди. 15 сентябргача эса қизил ғўза кўсакларининг 65-70 фоизи қийғос очилди. Ҳар бир ғўзадан ўртача 28-40 дона, айримларда эса 65-70 донадан кўсак етилди. Биз ҳозир экаётган ғўза навлари ер шароитига қараб 5-10 марта суғорилса қизил ғўза эса 3 марта сув билан пишди. Бунинг устига қизил ғўза турли касалликларга ўта бардошли чиқиб қолди.

Деҳқонлар тасодифий равишда юзага келган бу янги навни олимларга ҳам кўрсатишди. Айрим пахта илми усталари бу ёввойи пахта нави 2-3 йилда ўз-ўзидан йўқолиб кетади, деган фикрни ҳам билдиришди. Бироқ, маҳаллий пахтакорлар ғаройиб ғўза навини кўплаб экишга қарор қилдилар. Бу йил қизил ғўза пахтасининг 4 тоннасини Фарғона пахта тозалаш заводига чигитини ажратиш учун топширишди. 1997 йили қизил ғўзани янада кенгроқ майдонларга экишга тайёргарлик кетмоқда.

Ажаб эмаски, тасодифан топилган қизил ғўза навининг ҳам келажаги порлоқ бўлса.

Фарғона тумани ерларида пайдо бўлган янги пахта навига селекциячи олимлар илмий баҳо беришлари, уни кўпайтириш истиқболларини белгилаб беришлари зарур деб ўйлаймиз. Олимлар бу борада қандай маслаҳат беришаркин?

Собир ДАДАХЎЖАЕВ, Фарғона тумани «Шонли меҳнат» газетаси муҳаррири.

БУ ДУНЁНИНГ ЧИШПАРИ

❖ Лозаннадаги Жаҳон олимпия музейида ўтказилган махсус маросимда 2004 йилда халқаро олимпия ўйинларини ўтказиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун курашадиган шаҳарлар рўйхати эълон қилинди. Булар Афина, Буэнос-Айрес, Кейптаун ва Рим шаҳарларидир.

Даъвогарлардан яна бири — Санкт-Петербург эса бу рўйхатдан жой ололмади. Шу йилнинг 5 сентябрь куни Лозаннадаги халқаро олимпия қўмитаси 2004 йилда олимпия ўйинлари қайси шаҳарда ўтказилишини маълум қилади.

* * *

❖ Вашингтонга ташриф буюрган халқаро Нобель мукофоти қўмитаси директори Гейр Лундестад бу йил тинчлик ишига ҳисса қўшганларга бериладиган Нобель мукофоти номзодлари рўйхати рекорд натижа ўрнатганини маълум қилди. Номзодлар сони 129 тага етган. Шунингдек, Гейр Лундестад Нобель мукофотига лойиқ топилганлар номи шу йилнинг октябрь ойида маълум қилиниши, унинг тақдимоти эса 10 декабрь — Альфред Нобель вафот этган куни бўлиб ўтишини айтди. Мукофот 7,5 миллион швед кронини (бир миллион АҚШ доллари) ташкил этади.

* * *

❖ Чехиянинг хайрия ташкилотлари Югославияда истиқомат қилаётган албаниялик қочқинлар учун 40 тонна озиқ-овқат маҳсулотлари юборган. Мазкур ташкилотлар яқин кунларда Албанияга кийимкечак ва дори-дармондан иборат инсонпарварлик ёрдами жўнатишни режалаштирмоқда.

КИГИЗ ТАЙЁРЛАШДАН БОШЛАШДИ

Самарқанднинг Пахтачи туманидаги «Қарнабота» жамоа хўжалиги чорвачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган. Хўжалик қишлоқларини саноатлаштиришга аҳамият бериляпти. Бу борада дастлабки иш кигиз ишлаб чиқарувчи цехни ишга туширишдан бошланди. Кўплаб йигит-қизлар ишли бўлишди. Хўжаликда эса 5,5 мингга яқин аҳоли бор. Яна бир қанча кичик корхона ва цехлар очиш мўлжалланган.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ.

ОБИҲАЁТ ТАРАТИБ

НУКУС. Қорақалпоғистонда ичимлик сув муаммолари ҳал қилинмоқда. Беш йил мобайнида жами 2081 километрга сув қувурлари ётқизилди. Бу йил «Оролқишлоққурилиш» лойиҳалаш бошқармаси режаси катта. Яқин вақт ичида яна 150 километрга қувур ётқизиш мўлжалланган.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

КЕЛИНЛИК УЙ ЗИЙНАТИ

Тошкентдаги «Шарқ гули» корхонаси миллий каштачилик буюмлари ишлаб чиқариш маскани. Корхона 1993 йилдан акциядорлик жамиятига айланган. Попопчилик, тикувчилик, бичув, ипак ва дўппи цехлари ишлаб турибди. Маҳсулотлар шартнома асосида амалга оширилади. Акциялар асосан корхона ишчиларига сотилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар эса ҳар бир ўзбек қизига келинчаклик дамларини эслатиб, узоқ ёшлик нишонасига айлангусидир.

Сурайё ЧИНПЎЛАТОВА.

Монополия ва рақобат

ЎЗИ ХОН, КЎЛАНКАСИ МАЙДОН...МИ?

Бугунги кунда республикамизда қарийб 600 дан зиёд газета-журналлар нашр этиляпти. Уларнинг катта қисми асосан республика матбуот тарқатиш уюшмаси орқали обуначилар қўлига етиб бормоқда. Обуначиларга-ку яхши, нашрларни мунтазам ва баъзан кечикиб бўлса-да олиб туришибди. Лекин биз бу ерда тилга олмоқчи бўлганимиз бошқа мавзу, яъни чакана савдода газета-журналларнинг сотилиши. Очиғини айтганда, бу соҳада жиддий муаммолар мавжуд. Умуман, бизда матбуот тарқатиш тизими бугунги бозор талабларига хориждагидек мос эмас.

Ҳанузгача матбуот тарқатиш биргина монополистик уюшма қўлида. Унга рақобат қиладиган бирон бир муқобил ташкилот йўқ. Қанча газета, журнални чакана савдода сотиш-сотмаслик айнан республика матбуот тарқатиш уюшмаси яккаҳокимлигида қолиб келяпти. У ҳам баъзан «ўз сўзи»ни вилоятдаги матбуот тарқатиш ҳиссадорлик жамиятларига ўтказа олмайди. Чунки, вилоятдаги уюшмалар «ўзлари хон, кўланкаси майдон» ташкилотдай гап. Хоҳласа республика уюшмаси билан у ёки бу нашрни чакана савдода сотишга буюртма бериб шартнома тузади, хоҳламаса йўқ. Нега шундай?

Майли, ўтган замонни эсламай қўя қолайлик. «Союзпечать»лар даври ўтиб кетди. Унинг ўрнига 1994 йилда республикамиз бўйича 14 та (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида) алоҳида матбуот тарқатиш ҳиссадорлик уюшмалари таркиб топди. Ана шу ҳиссадорлик жамиятлари негизида республика матбуот тарқатиш уюшмаси тузилди.

Ҳозир ушбу уюшманинг республика миқёсида 1600 тадан зиёд савдо шаҳобчалари мавжуд. Бироқ, юқорида айтганимиздек, республика ташкилоти вилоятлардаги ҳиссадорлик жамиятлари ишини назорат қилиш ёки фойдали кўрсатмалар бериш ҳуқуқидан маҳрум. Чунки вилоятдаги уюшмалар ўз низоларини тугаб қолади. У ёки бу марказий нашрни сурасангиз, «ўзи икки - учта юборишади, газета ўқимоқчи бўлсангиз, вилоят марказидаги дўконга боринг», дейди.

Бундай ҳол бир-икки туман ёки қишлоқда бўлса, биз уни тилга олиб ўтирмасдик. Гап шундаки, матбуот тарқатиш дўконлари кўп. Лекин уларда газета-журналлардан кўра «майда бизнес товарлари» янада кўпроқ. Бу зомларига эга бўлиб ҳуқуқий жиҳатдан ҳам ўзларига мустақилдирлар. Шу боис маълум зиддиятлар, қийинчиликлар туғиляпти. Бундан ким кўпроқ зарар кўряпти? Албатта кенг ўқувчилар оммаси.

— Газета ўқимасам туролмайман, —дейди Челак туманидаги 7-ўрта мактаб ўқитувчиси Баҳодир Донабоев. — Лекин бу йил кўпроқ рўзнома-журналга обуна булиш имкони булмади. Қишлоқда эса умуман киоска йўқ. Туман марказига борсангиз матбуот дўкони аксарият ҳолларда ёпиқ. Очиқ пайтида ҳам республика матбуот тарқатадиган жойми ёки алоҳида бир «кичик супермаркет дўкони»ми баъзан ажрата олмай қоласиз ҳам. Ҳа, бозор иқтисодиёти имкон излашга, замон билан ҳамқадам бўлишга ундаяпти. Буни тушуниш мумкин. Аммо матбуот растаси деб қўйилгандан кейин биринчи навбатда газета-журналлар савдоси ҳақида ўйлаш керакмасми?

Яна бир томони, бу дўконларнинг кўпчилиги вилоят марказларида ўрин топган. Масалан, Бухоро вилояти (матбуот тарқатиш уюшмаси раиси Фарида Усмонова) даги юзта дўконнинг қарийб 50 таси Бухоро шаҳрида жойлашган. Мамлакатимизда 400дан зиёд газета чиқариляпти дедик. Лекин Фарғона вилояти матбуот уюшмаси фақат 31 номдаги газетани олади, холос. Шулардан ҳам 9 таси Россия рўзномалари. Навоий вилоятида эса матбуот тарқатиш дўконлари бор-йўғи 42 тани ташкил этади. Бу ерда республика газеталари номигагина сотиляпти, десак янглишмаймиз. «Халқ сўзи», «Правда Востока», «Ўзбекистон овози» газеталари 15-20 дона, «Туркистон», «Маърифат» эса 10 донагина сотилса, бозорга чиқарилади, холос. Наҳотки, бу аҳвол вилоят матбуот тарқатиш уюшмаси ҳиссадорлик жамияти раиси Рафиқ Саакянцни ташвишга солмаса? Вилоят ҳокимлиги биносидаги матбуот растасининг ёпиб қўйилганлигининг ўзи ҳам бу ерда матбуотга бўлган муносабатни белгиламайдими? Шу ўринда бир савол туғилади: вилоят ҳокимлигида лоақал бирор марта матбуот тарқатиш масаласи кўриб чиқилганми?

Эслаб кўрайлик, қайси бир газетада, телевидение ёки радиода яқин вақт ичида «Фалон вилоят ҳокимлигида матбуотни тарқатиш, жумладан чакана савдода сотиш масаласи кўриб чиқилди, фалон ҳоким матбуот тарқатиш ишини ёмон ташкилдан ўтказяпти, ҳокимлик ва ҳокимлик ходимлари матбуотни ўқишга ҳеч ким ҳеч нарсани мажбурлаётгани йўқ, ҳеч ким ҳеч ким ҳеч ким демайди— Мана бу ҳукумат газетасига бунча обуна қилинсин, вилоят ҳокимлиги газетасига бунча бўлсин, бошқа бир-иккита рўзнома ҳам қолиб кетмасин» дегандай. Вассалом. Кейин бу мавзуга йил давомида қайтилмайди.

Хуллас, бизда матбуот тарқатиш масаласида ҳали қилиниши зарур бўлган ишлар кўп, чамаси. Энг аввало, менимча, республика матбуот тарқатиш уюшмаси билан вилоятдаги ҳиссадорлик жамиятлари ўртасида ҳуқуқий асосдаги муносабатлар ўрнатилиши керак. Ёки бўлмаса республикада ягона ҳиссадорлик жамияти тузилиб, унинг вилоятдаги бўлимлари бевосита марказдаги республика матбуот тарқатиш уюшмасига бўйсуниши, улар ҳамкорликда ишни талаб ва таклифдан келиб чиқиб амалга оширишлари лозим. Чунки матбуот тарқатишда танҳо ҳукмронлик давом этаверса, халқимизнинг маънавий-маърифий юксалишига, матбуотнинг кенг омма орасида кўпроқ тарқалишига путур етиши турган гап. Тўғри, бу монопол мавқе матбуот тарқатувчиларга фойда келтиради, лекин бундай ҳолат соҳада бамайлихотирликни, қийналмай даромад топишни юзага келтириб, иқтисодий ўсиш омилларини жуда заифлаштириб қўяди. Хуллас, бу ерда рақобат бўлмаса, ривожланиш ва ўнгланиш бўлиши амримаҳол.

Мамлакатимизда маърифатли бозор иқтисодиёти таркиб топиб бораётган бир пайтда матбуотни «тўртинчи ҳокимият» даражасига чиқариш ҳақида ҳам гап кетмоқда. Албатта, газета-журналлар мазмун - мундарижаси, кўриниши жиҳатидан демократик жаҳон давлатлари андозасига чиқиб олиши керак. Буни ҳаётнинг ўзи талаб этяпти. Лекин энди не машаққатлар билан чиқарилган нашрларни бевосита ўқувчилар оммасига, яъни аҳоли қўлига мунтазам етиб бориши учун замонавий матбуот бозорини яратишимиз лозим. Токи, бугун чиққан газеталар республикамизнинг ҳар бир вилояти, тумани маркази, қишлоқларидаги матбуот дўконларида сотилсин. Аҳолини мамлакатимизда, бутун жаҳонда кечаги, бугунги ва эртанги воқеа-ҳодисалардан воқиф қилсин, маърифат ва зиё элчиси бўлсин!

Аслиддин БОЛИЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессиясида «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги ҳамда «Журналистнинг касбига доир фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунлар лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди. Лойиҳалар матбуотда эълон этилди ва ҳозир умумхалқ муҳокамаси бўлиб ўтмоқда. Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот Қўмитаси раиси, севимли адибимиз Ўткир Ҳошимовнинг ушбу муҳим ҳужжатлар ҳақидаги шарҳини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

***

Олий Мажиснинг еттинчи сессиясида биринчи ўқишда қабул қилинган «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида» ҳамда «Журналистнинг касбига доир фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунлар лойиҳаларини яратишда бу жиддий соҳаларнинг ҳуқуқий асосларини қамраб олишга ҳаракат қилинган.

«Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Қонун туб моҳияти билан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, демократия ва адолат йўлидаги жиддий қадам деб баҳоланса, муболаға бўлмайди.

Қонун лойиҳаси 12 моддадан иборат ва ундаги тушунчалар бизнингча, аниқ-равшан ифодаланган.

«Ахборот олиш кафолатлари» деб номланган моддада таъкидланганидек, «Ҳар бир фуқарога ахборот олиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ҳар кимнинг ахборотни излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ва тарқатиш ҳуқуқини давлат ҳимоя қилади». (такрор айтаман: давлат ҳимоя қилади!)

Лойиҳанинг 4-моддасида ахборот олишни таъминлаш баён қилинган. Унда жумладан бундай дейилади.

«Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиши лозим».

Қонун лойиҳасининг 5- ва 6-моддаларида ахборот олишга доир сўров, сўровнинг шакли ва қараб чиқиш муддати белгилаб берилган.

«Ҳар ким ўзи сўраётган ахборот билан танишишга, тушунтиришлар ёки ҳужжатлардан кўчирмалар олишга доир сўров билан бевосита ёхуд ўзининг қонуний вакиллари орқали мурожаат этиш ҳуқуқига эгадир».

Ахборот олишга доир сўров ёзма ёки оғзаки шаклда ифодаланиши мумкин.

Ёзма сўровда мурожаат этувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, сўралаётган ахборотнинг номи ёки хусусияти кўрсатилади.

Ёзма сўровлар рўйхатдан ўтказилиши керак.

Ахборот олишга доир сўровга иложи борича қисқа муддатда, агар қонун ҳужжатларида бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, сўров олинган кундан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмай жавоб қайтарилиши керак.

Оғзаки сўровга, имкониятга қараб, дарҳол жавоб берилиши лозим.

Агар сўров тушган орган сўралаётган ахборотга эга бўлмаса, мурожаат этувчига бу ҳақда сўров олинган кундан бошлаб етти кундан кечиктирмай

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
Республика Олий Мажлиси Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси

ҚОНУН ХАЛҚ УЧУН ЯРАТИЛАДИ

маълум қилиши, шунингдек унга бундай ахборотга эга бўлган органнинг номини, имкониятга қараб, маълум қилиши шарт».

Лойиҳанинг 9-моддасида ахборот манбаини ошкор этмаслик белгиланган.

«Оммавий ахборот воситалари ахборот манбаини ёки муаллифнинг кимлигини уларнинг розилигисиз ошкор этишга ҳақли эмас. Ахборот манбаи ёки муаллифнинг кимлиги суд қарори билангина ошкор этилиши мумкин».

«Журналистнинг касбига доир фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ҳам ғоят жиддий ҳужжат.

Бизда танқидга муносабат масаласида ҳамон эскича қарашлар бор. Дейлик, газетада бирон вилоятнинг бирон туманидаги бирон ташкилот ҳақида танқидий мақола чиқиб қолса, муҳаррир таъна-дашномлар тагида қолиб кетади. Ундан хафа бўлишади. «Шунча яхши ишлар қилаётганимизда мухбирингиз арзимаган гапни дов-дастгоҳ қилиб юриши шартмиди», деганга ўхшаш гаплар бўлади.

Нега шундай? Бунинг илдизлари ҳам ўтмишга бориб тақалади. Гап шундаки, собиқ Шўролар даврида матбуот тўлалигича коммунистик мафкуранинг қуроли эди. Мақтов ва айниқса танқид махсус топшириқ билан бўларди. Бирон ташкилот ҳақида танқидий мақола эълон қилинса эртасигаёқ «фалончи ишдан кетибдими, иши судга оширилибдими?» деган савол пайдо бўлар эди.

Ҳозир бутунлай бошқача замон. Журналист бировни танқид қилса, унинг амал курсисини олиб қўйиш ёки жазолаш эмас, ўша ерда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиб, ишни ўнглашга ёрдам бермоғи, ўз меҳнати ва истеъдоди билан жамиятимиз тараққиётига кўмаклашмоғи, маҳаллий бюрократлар ҳам буни айнан шундай тушунмоғи керак.

Қонун лойиҳаси журналистнинг мустақил юртимиз равнақи йўлида ҳалол ва холис хизмат қилиши учун унга қонуний ҳуқуқлар беришга мўлжалланган ҳужжатдир.

Қонун лойиҳаси ўн етти моддадан иборат. Унда журналистнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, касбига доир фаолиятида дахлсизлиги, ижтимоий кафолатлари, оммавий ахборот воситаларида цензурага йўл қўйилмаслиги, журналистни аккредитация қилиш тартиблари, Ўзбекистон журналистининг чет элдаги, чет эл журналистининг Ўзбекистон Республикасидаги ҳуқуқлари ифодаланган. Айниқса, журналистга берилиши мўлжалланган ҳуқуқларнинг кенг ва кўп тармоқли экани диққатга сазовордир.

Лойиҳанинг 5-моддасида белгиланганидек, «Журналист ўз касбига доир фаолиятни амалга ошириш чоғида:

ахборот тўплаш, олиш ва тарқатиш;

ахборот олиш учун давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга мурожаат этиш;

давлат сирига ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирга тегишли маълумотларга эга бўлганларини истисно этган ҳолда ҳужжатлар, материаллар ва ахборотдан фойдалана олиш;

журналист текшируви ўтказиш;

ўзи тайёрлаган хабарлар ва материалларни оммавий ахборот воситалари орқали ўз имзосини ёки тахаллусини қўйиб тарқатиш, уларда ўз фикр-мулоҳазасини билдириш;

журналистнинг вазифаларини амалга ошириш юзасидан мансабдор шахс қабулида бўлиш;

маълумотларни ёзиб олиш, шу жумладан, зарур техника воситаларидан фойдаланган ҳолда ёзиб олиш;

судларнинг очиқ мажлисларида, ҳарбий ҳаракатлар тегаларида, табиий офат юз берган тегаларда, оммавий тадбирларда ҳозир бўлиш» каби талай ҳуқуқларга эга бўлиши лозим.

Ҳали айтганимиздек, журналист сиёсий, ижтимоий ва маънавий ҳаётимизда муҳим хизмат қилувчи шахс. Унинг сўзи минглаб, юз минглаб одамларга етиб боради. Шу боис, унга кенг ва кўп қамровли ҳуқуқлар берилиши билан бирга зиммасига масъулият юкланмоғи ҳам табиий ҳол. Журналист этикаси қатъий бўлмоғи керак. Шу боисдан Қонун лойиҳасининг 6-моддасида журналист мажбуриятлари ҳам алоҳида таъкидланган. Унда, жумладан бундай дейилади:

«Ўз касбига доир фаолиятни амалга ошириш чоғида журналист:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонун ҳужжатларининг талабларига, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари қоидаларига риоя этиши, ахборот тўплаш, уни таҳлил этиш ва тарқатиш учун қонунда назарда тутилган воситалар ва усуллардан фойдаланиши;

ўз хабарлари ва материалларининг тўғри ёки нотўғри эканлигини текшириши ва холис ахборот тақдим этиши;

айбсизлик презумпцияси қоидаларига риоя этиши;

шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиши» шарт.

Қонун лойиҳасида жуда муҳим бўлган яна бир модда бор. Бу — «Журналист текшируви» деб номланган 9-моддадир. Унда таъкидланганидек,

«Журналист мустақил равишда ахборот тўплаш ва ўзи эга бўлган маълумотлар ҳамда фактлар, шунингдек келиб тушган материаллар бўйича текширув ўтказиш ҳуқуқига эга.

Журналист текшируви ўтказилиши вақтида журналистнинг одамлар билан учрашиш, материалларни ўрганиш ва зарур техника воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқи чекланиши мумкин эмас. Журналист текшируви даврида журналист олган материаллар ва ҳужжатлар олиб қўйилиши ёки кўздан кечирилиши мумкин эмас».

Ҳар иккала Қонун лойиҳаси халқаро ҳуқуқ нормаларига мос келадиган, юртимизда инсон манфаатлари, унинг эркинлиги, ҳуқуқий-демократик тамойилларнинг устувор бўлишига ҳисса қўшадиган ҳужжатдир. У Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти олдидаги обрў-эътиборини янада оширишга хизмат қилади.

Ҳозир лойиҳалар кенг муҳокама қилинмоқда. Фақат журналистларгина эмас, кенг жамоатчилик билдирган фикрлар ҳам инобатга олинади.

Таклифларингизни кутамиз!

• Хатлар • Хатлар • Хатлар

Мактубларни саралаётиб, одамлар ёзаётганлигига, ёзганда ҳам нажот излаб кўп ёзаётганлигига амин бўлдим. Ҳар бир мактубдан жойлардаги қуйи раҳбарларга умид ила мурожаат этилгани, аммо, ундан кўнглига мос жавоб олинмагани уфуриб турибди...

Юртбошимиз мустақил мамлакатимизнинг жаҳонга юз тутишида тиним билмяптилар, қисқа вақтда катта муваффақиятларни қўлга киритишда бош-қош, оламшумул ўзгаришлар бўлишига етакчи. Аммо...

Ҳа, шу ерда шаҳар, туман, хўжалик ва овулдаги раҳбарларни койиш керакка ўхшайди. Раҳбарлик ҳайф-ей биродар, дейишдан тилингни тиясан.

Ахир, бизда оиладан ёмон гап кўчага чиқиши ҳам гуноҳ ҳисобланади. Шундай экан, аввало, оиладан, кейин қишлоқдан, хўжалик, туман ёки шаҳардан ёмон гап чиқмаслиги учун курашадиган мутасаддилар жойларда керагидан ортиқча-ку. Нега, улар элим деб, ёнмайдилар. «Бор, борадиган жойингга», «Қўлингдан келганини қилмайсанми?»нинг ўрнига, ўша жойнинг ўзида оқни оққа, қорани қорага чиқариш мумкин-ку! Шунда биров бошқа бировнинг устидан ёзиб ўлибдими. Энди «ёзаман» деб қўрқитиш билан ҳеч ким ошиғини олчи қилолмайди. Давр ўзгарди. Фақат адолат ўзининг ҳукмини ўтказади.

Қуйидаги икки мактуб ҳам моҳияти жиҳатидан бир-бирига ўхшаш бўлсада, лекин ўтмишда раҳбарларнинг ишга адолат юзасидан ёндашмаганлиги кўриниб турибди.

ҚУЮҚ ВАЪДАЛАР ҲАМ ЭВИ БИЛАН-ДА

Ҳурматли таҳририят!

Биз, «Ғалаба» жамоа хўжалигида яшовчи фуқаролар газ масаласида бир неча бор юқори идораларга хат ёзган эдик. Унда хўжалигимиз ҳудудидан табиий газ тармоғи 1980 йилда ўтганлиги айтилганди. Алам қиларли томони, туманимиздаги ҳамма хўжалик табиий газ билан тиъминланса-да, биз ундан бенасибмиз. Тўғри, 1992-93 йилларда бизнинг хўжаликда ҳам иш бошланганди. 120 хўжаликка қувур тортилиб, иш шу бўйича тўхтаб қолди. Биз бу иш давом эттирилар, деган умидда 1995 йилгача кутдик.

Хатимиз бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси маслаҳатчиси Темур Тасбоев ва Тўрткўл туман давлат назорати ходимлари келиб аҳволимиз билан танишдилар. Шундан кейин 3,2 млн. сўм ажратилажаги ҳақида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Ж. Суюновдан жавоб олдик.

Шу жамоа хўжалигини газлаштириш масаласида Тўрткўл туман ҳокими хат ёзган одамларни қабул қилди. 1995 йил иш якуни бўйича 1996 йилнинг февраль ойида умумий йиғилиш бўлди. Мажлисга ҳоким ўринбосари Таганмуротов қатнашди. Шу мажлисда жамоа аъзолари газлаштириш учун ўзларига тегишли пахта мойидан 5 тонна ажратишга қарор қабул қилди. Лекин вазият ўзгармади. Шуни ҳисобга олиб, ҳокимликка яна хат ёздик ва ҳоким ўринбосари Таганмуротов қабулида бўлдик. Ҳоким ўринбосари яна қуюқ ваъдани берди. Аммо...

Ниҳоят, дардимизни газетада ёритсак, аҳвол ўзгарар, деб шуни йўллаяпмиз.

М. НАРИМОВ,
Б. НАЗАРОВ,
Тўрткўл тумани.

ИССИҚ УЙДА ДУО ҚИЛИБ ЎТИРСАК...

Мактубимизни айнан «Ўзбекистон овози»га юборишимизнинг сабаби, ҳар доим унинг саҳифаларидан эл юрт ташвиши ва қувончига оид мақолалар ўрин олади. Биз бир гуруҳ Наманган вилоятининг Поп тумани Хонобод қишлоғида яшовчи кексалар дил сўзларимизни, пок ниятларимизни ҳурматли Президентимиз Ислом Каримовга етказишни истардик. Чунки, айнан мамлакатимиз раҳбарининг фуқароларимиз манфаати йўлида жон куйдиришини вилоятларда бўлаётган сессиялардан кўриб, билиб турибмиз. У кишининг ҳар бир чиқиши бесамар кетмаяпти. Энди биз нафақахўрларга пенсия ўз вақтида кечиктирилмай етказиб бериляпти.

Шунингдек, қишлоғимиз аҳлини қийнаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Қўшни «Чодак» қишлоғига газ қувури бизнинг қишлоқ орқали ўтган. Уларда ҳамма газдан фойдаланяпти. Аммо, қишлоғимиз аҳли шу зангори оловдан бенасиб қолган. Умид қиламиз, бизга ҳам газ қувурлари тортилар.

...Кексалар ҳаётининг қолган қисмида ҳам иссиқ хоналарда ўтириб, эл-юрт шаънига дуо қилишни истайдилар.

Бозорбой ҚОДИРОВ,
Мамлакат ЎСАРОВА,
Поп тумани Хонобод қишлоғи.

КОМИССАРНИНГ «ЧОРИҒИ»

Муносабат

Ҳар гал шу майдондан ўтаётиб бир нарсага ҳайрон бўламан. Боиси, бир куни кичкинтой билан онанинг суҳбати қулоғимга чалиниб қолган:

— Ойижон, айтингчи, бу супача тепасидаги дўнгалак нима?

Қараб турдим: она бир зум нима дейишни билолмай қолди. Ростини айтай деса, ҳикояси чўзиладиган.

— Биласанми, ўғлим. Бир пайтлар ана шу супача тепасида бир ҳарбийнинг ҳайкали бўларди. Ҳозир у кишининг номини ҳам, қилган ишини ҳам одамлар афсусланиб тилга олишади. Сабабки, Куйбишев деган бу киши, биз томонларга «инқилобчилар даҳоси» бўлмиш Ленин томонидан сафарбар қилинган. Ана шу киши 70-80 йиллар илгари комиссар деб аталган. Катта бўлганингда жуда қизиқиб қолсанг, бундай кимсалар она юртимизни «озодликка» чиқарамиз деб, бутун маънавий ва моддий бойлигимизни кўкка совуришганини билиб оласан. У ёғини сўрасанг, қадимий шаҳримиз Бухорои шарифнинг ўрдасию қадимий обидаларини замбаракдан ўққа тутишга буюришган улар. Албатта, сен ҳозир шундай ёмонликлар учун у кишига ҳайкал қўйишганми, деб сўрашинг мумкин. Билсанг, ҳар бир замоннинг ўз ҳукмронлари бўлган-да. Супача тепасидаги сени қизиқтираётган дўнгалак эса истиқлол шарофати билан бу ердан ҳайкални олишаётганда комиссарнинг синиб қолган чориғидир...

Кўриниб турибдики, кичкина бола ҳам мана шундай арзимас хатоликларга қизиқиб қарамоқда. Албатта собиқ иттифоқни эслатиб турувчи монументлар олиб ташланиши зарур. Аммо, ҳайкали олинганидан кейин уни кўтариб турган супачасини нега қолдиришди экан? Шунга ўхшаш манзарани пойтахтнинг Мустақиллик метросидан чиқаверишда ҳам учратишингиз мумкин. Ҳаммага маълумки, бу ерда «Инқилоб Рицари» деб ардоқланиб келинган Дзержинскийнинг ҳайкали бўлгуси эди. Олиб ташланган дейсизми, тўғри. Хўш, супачаси нега турибди. Билиб-билмасдан ўша ҳайкални эслаб қўйиш учунми? Ахир, тозаланиш, покланиш расамади билан охирига етказилса, мақсадга мувофиқ бўлмасмикан?

Хайрулла АБДУЛЛАЕВ.

ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

ЖИЗЗАХ (Жамоатчи мухбиримиздан телефон орқали).

Халқ депутатлари Дўстлик туман кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.

Туман ҳокими бўлиб ишлаб келган Абдуҳаким Ҳожимуродов ўз лавозимидан озод этилди. Илгари «Жиззахулгуржибиржасавдо» компанияси бошқаруви раиси бўлиб ишлаган Ўринбой Қўлдошев туман ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда вилоят ҳокими Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Далил ва таҳлил

ПУДРАТНИНГ ҚУДРАТИ

Наманган туманидаги «Ғайрат» жамоа хўжалиги 1996 йил якунлари бўйича барча соҳаларда, айниқса, ғаллачиликда салмоқли ютуқларга эришди.

526 гектар ернинг ҳар гектаридан 58 центнердан ошириб бошоқли дон олинди. Давлатга дон сотиш режаси ортиғи билан бажарилди. 655 тонна уруғлик ғалла тайёрланди. Бундан 8 миллион 275 минг сўм фойда кўрилди. Сабаби — ғаллачилик юз фоиз пудрат асосида ташкил этилди. Пудратчилар сара уруғ, техника, ўғит билан таъминланди. Шартномага биноан режадан ортиқ етиштирилган ҳосилнинг ярми пудратчининг ўзига бериладиган бўлди. Масалан, пудратчи Муҳаммад Деҳқоновга 5 гектар ер ажратилиб, гектаридан 50 центнердан ҳосил олиш режалаштирилган эди. У 70,6 центнердан ҳосил кўтарди! Натижада 19905 сўм иш ҳақига қўшимча режадан ортиқ ҳосилнинг 50 фоизи миқдорида буғдойга ҳам эга бўлди. Бундай пудратчилар хўжаликда 82 нафар. Шунча даромадга эга бўлган деҳқон бу йилги мавсумда бундан-да, юксак ғайрат-шижоат билан ишлаши турган гап.

Пудратчилик бошқа соҳаларда жумладан, ғалладан бўшаган ерларга шоли, сабзавот, картошка, озуқа экинлари экиб юқори ҳосил ва фойда олиш афзалликларини кўрсатиб турибди. Табиийки, дон, озуқа экинлари етиштириш кўпайгач, чорвачилик ҳам ривожланди. Бугунги кунда мазкур хўжалик тажрибалари бутун вилоятга оммалаштирилмоқда. Хўжалик ўзидан ортириб бошқа хўжаликларга ҳам кўплаб миқдорда чорва озуқаси сотмоқда. Шу ҳисобдан ҳозиргача 1 миллион 600 минг сўмга яқин фойда кўрилди.

Бир сўз билан айтганда, хўжаликда меҳнатдан манфаатдорлик тамойили муваффақият омили бўлаётир.

Турғунбек МАҲКАМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратда: хўжалик бошқаруви раиси, иқтисод фанлари номзоди Носиржон Отахонов.

Божхона бекати

КЎКНОРИ ВА СОХТА ВАЛЮТА

Самарқанд вилояти божхона хизмати ходимлари қўшни Тожикистон Республикаси ички ишлар идораси ходимлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон фуқароси Б. исмли йигитни қўлга олдилар. Бу йигитнинг ёнидан 450 грамм кўкнори топилди. Айни пайтда бу иш билан қўшни республика ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари шуғулланмоқда.

* * *

Тошкент шаҳри божхона хизмати «Аэропорт» божхона мажмуаси ходимлари «Тошкент-Пешавор» рейси бўйича учаётган йўловчиларни божхона кўригидан ўтказганда, Покистон Республикаси фуқароси Муҳаммад Бошир ёнидан 2900 АҚШ доллари миқдорида пул чиқди. Текширувларда бу валюта сохта эканлиги маълум бўлди. Айни пайтда ушбу иш юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

◆ Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

55 КИШИДАН ОРТГАН ТАРВУЗ

Қашқадарё вилояти деҳқонлари полиз ва пиёз етиштириш бўйича бой тажрибага эга.

Ўтган йил вилоятнинг қатор бригадаларида мўл ҳосил етиштирилди. Айниқса, Муқимхон Акрамовнинг қувончи чексиз. У ўтган йил ўзига қарашли бир гектар ерга пиёз ва қовун-тарвуз экканди. Ҳосил чакки бўлмади.

Хуллас, бир куни денг Муқимхон ака ўз пайкалларида етиштирилган иккита тарвузни кўриб ҳайрон қолди. Ишонқирамай тарозига қўйди. Бири 27 килограмм, иккинчиси 35 килограмм чиқди. Саховатли деҳқон иккисини ҳам сўйиб, қўни -қўшни ва меҳмонларни дастурхонга чорлади. Билсангиз, тарвуз 55 кишидан ортиб қолди.

Жўра ҒОЙИБОВ.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«Миллий конвертимиз бўладими?»

Газетанинг шу йил 23 январь сонида юқоридаги сарлавҳали мақола чоп этилган ва унда республикамиз почта хизматида эски тузумдан қолган муҳрлар, конвертлар ҳамон муомалада юргани, бу эса кўпчиликнинг ғашига тегаётгани танқид қилинган эди. Мақола юзасидан дахлдор идоралардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигидан жавоб хати олинди. Вазирликнинг маълум қилишича, 1997 йил март ойидан бошлаб почта алоқасида ишлатиладиган барча муҳрлар тўлиқ лотин ёзувига ўтказилади. Миллий конверт тайёрлаш бўйича ҳам тайёргарлик ишлари олиб бориляпти. Шу йилнинг биринчи ярмида янги почта конвертлари муомалага чиқарилади.

Мақолада қайд этилган божхоначиларга тегишли гаплар эгасини топган бўлса-да, ўз исботини топмади. Бу ҳақда Тошкент шаҳар Божхона хизмати бошлиғи Р. Туропов таҳририятга хат йўллаб, мақола асосида текширув ўтказилганини маълум қилди.

«Хатлар, хатлар, хатлар» материалларини Эркин Эсиргадиев саралади

ЁҒ МУАММОСИНИ ҲАЛ ҚИЛСА БЎЛАДИМИ? ҲА!

Мавзуга қайтиб

Очиғини айтиш керак, республикамизда ёғ-мойни кўпайтириш муаммоси хусусидаги «Ўзбекистон овози» газетасида эълон қилинган «Мен нима дейман-у кўбизим не дер» сарлавҳали мақоладан кейин мутасаддилар ва тегишли ташкилотлардан бизнинг фикримизни қўллаб-қувватловчи жавобларни кутгандик. Аксинча, оддий фуқаролар ўз муносабатларини билдиришиб, бу борада фикр-мулоҳазаларини айтишмоқда. Юсуф ЁҚУБОВ шундайлардан бири. «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ» деганларидек биз у киши билан суҳбатлашиш жараёнида шу нарсага ишонч ҳосил қилдикки, Ўзбекистонда истеъмол ёғи етиштириш бўйича унча-мунча хориж давлатларида ҳам топилмайдиган ўзига хос тажриба мактаби бор экан.

— Мен мақолани ўқиб, кўнглимдаги гаплар айтилгани учун бу ерга келдим, — дея гап бошлади Ю. ЁҚУБОВ — Айни пайтда, гарчанд нафақада бўлсам-да, ёғ-мойни кўпайтириш юзасидан тажрибаларимни давом эттиряпман. Президентимиз «Савоб ишни ҳар кун қилиш керак, савоб ишни ҳар ким қилиши керак» деб бежиз таъкидламайдилар.

— Сиз республикамизда ёғ муаммосини ҳал қилса бўлади, деяпсиз. Бу гапни нимага асосланиб айтяпсиз?

— Дўконларда пахта ёғи камчиллигига кўпчилик савдо ходимлари айбдор, деб ўйлайди. Бу — нотўғри! Асосий айб ишлаб чиқарувчиларда. Ёғ-мой заводларининг раҳбарлари ўз маҳсулотларининг тақдири билан нега қизиқмайдилар? Ишлаб чиқарувчилар «биз заводдан шунча ёғ жўнатгандик, ҳаммаси етиб келдими» деб сўраб-суриштириб туришлари керак. Бу — биринчидан. Иккинчидан, фақат пахта ёғига кўз тикиб қолиш ҳам инсофданмас. Ахир дунёнинг тараққий этган давлатларида рапс, перко, маҳсар, зайтун, режик, кунгабоқар, соя ёғлари ҳам кенг ишлаб чиқарилади-ку. Бизнинг республикамизда ҳам ана шу ўсимликларнинг ҳаммасини етиштирса бўлади.

Яна бир катта имкониятимиз бор: седана, исириқ, узум, анор, кунжут, пиёз, қовун-тарвуз, ошқовоқларнинг уруғларидан, ўрик, шафтоли, олхўри каби меваларнинг данакларидан ёғ олиш мумкин. Битта қиёсий мисолга эътибор беринг: чигитнинг таркибида 17-19 фоиз ёғ бор. Перконинг таркибида 45-50 фоиз, рапсда 40-45, режиқда 30-35, седанада 40-42, пиёз уруғида 19-22, кунжутда 25-30, қовун уруғида 35-40, тарвуз уруғида 25-28, ошқовоқ уруғида 25-30, исириқда 14-18, анор ва узум уруғида 17-20 фоиз ёғ бор. Кўрдингизми, айрим ўсимликлар уруғининг таркибидаги ёғ миқдори чигитникидан икки баравар кўп. Нега энди ана шу экинларни ўзимизда етиштириш учун шарт-шароит мавжуд бўлган бир пайтда хориждан ёғ сотиб олаяпмиз?!

Соя ёғи ҳақида ҳам фикримни айтиб ўтай. Сояни Ўзбекистонда етиштириш, шунингдек хориждан донини сотиб олиб келиш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Нега? Гап шундаки, сояни илгарилари четдан фақат кунжараси учун олиб келардик. Ҳозир эса ундан ёғ олиш учун келтиряпмиз. Соянинг таркибида бор-йўғи 16-18 фоиз ёғ бор. Агар 200 минг тонна соя дони олиб келинса бу миқдордаги уруғдан 30 минг тонна ёғ олиш мумкин. Бир тонна соя уруғи 406 долларга тушади. Энди ҳисобланг, 200 минг тонна соя дони учун 81 миллион 200 минг доллар тўланади?! Хўш, бундан кимга фойда-ю кимга зиён? Келинг, шу маблағ сарфланиб 200 минг тонна соя дони республикамизга келтирилди ҳам дейлик. Кейин-чи, кейин қайта ишланиб ёғи ёғга, кунжараси кунжарага ажратилади. Соя уруғи қаттиқ бўлгани учун қайта ишлашда ҳозирги технология зўриқади, эҳтиёт қисмлар ишдан чиқади. Яна харажатми, албатта. Эҳтиёт қисмларнинг нархини ўзингиз биласиз. Ҳ;исоблаб чиқдим, бир килограмм соя уруғини қайта ишлаш ҳозирги шароитда камида 120 сўмга тушади. Тайёр маҳсулотга айланиб дўконга етиб боргунича бу рақам 170-180 сўмга чиқади. Айтинг-чи, бу нархдаги ёғни ким олади? Мақсад — хориждан хом ашё келтириб қайта ишлаб маҳсулотнинг таннархини камайтириш-ку!

Яна бир ҳолатга эътибор берсак: деҳқон ё хўжалик пахта етиштириб беради. Пахта тозалаш заводи бу ҳосилни қайта ишлагандан сўнг 50 фоиз чигити қолади. Чигит таркибидаги ёғ миқдори маълум. Аввалари чигитнинг нархи жуда арзон эди. Ҳозир бир тоннаси учун 1200-1500 сўм атрофида ҳақ тўланяпти. Дейлик, юз тонна чигит учун пахта тозалаш заводи 150 минг сўм тўлайди. 100 тонна чигитдан камида 15 тонна ёғ олинади. Агар шу ёғнинг бир килограммини завод 30 сўмдан сотса 450 минг сўм бўлади. Тўғри, буғ, электр энергияси, транспорт ва бошқа харажатлар бор. Пахта тозалаш заводи ва ёғ-мой корхонаси ўз харажатлари учун ҳар бирини юз минг сўмдан олишганда ҳам яна юз минг сўм пул қолаяптими, хўш, бу пуллар қаерда ва қайси хизмат ё харажат учун ушлаб қолиняпти? Буни қарангки, бизда қайта ишловчилар ўзимизнинг хом ашёни сув текинга, хорижникини эса қиммат нархда олишни эплашади, холос. Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, тадбиркорлик — бу фирибгарлик эмас. Ҳозир ҳамма соҳа ходимлари, раҳбар-у мутахассислар ишбилармон бўлиши лозим. Тайёр маҳсулотни чет давлатдан олиб келиб, ўз халқига қиммат баҳоларда сотаётганларнинг хатти-ҳаракатини асло оқлаб бўлмайди. Марҳамат: ўзинг етиштир, ўзинг қайта ишла — халққа таннархи арзон маҳсулот керак! Бунинг учун эса озгина бош қотириш зарур. Ҳозир Қўқонда катта комбинат бўла туриб бир литр ёғнинг нархи 100 сўмдан ошди. Агар биз рапс, перко, седанани ўзимизда етиштирганимизда эди, бугунги кунда ёғ муаммоси пайдо бўлмасди. Буларни қайта ишлаш ҳам анча ўнғай — уруғи юмшоқ, технологиямизга тўғри келади.

— Бу экинларни етиштиришга, улардан ёғ олишга нима монеълик қиляпти?

— Қуйи раҳбарларда ташаббускорлик йўқ. Юқоридан буйруқ кутишга шунчалик ўрганиб қолишганки, ўзларича бир ишга қўл уришга журъат этишолмайди. «Ер етмайди» деб баҳона ҳам қилишади. Бекор гап. Перко ва рапс учун алоҳида ер ажратиш шарт эмас. Оралиқ экин сифатида экса бўлаверади. Пахтага ҳам, ғаллага ҳам ҳеч таъсири йўқ. Мана, Италия, Голландия, Туркияда бу экинлар кўплаб майдонларга экилади. Нима учун? Энг аввало ёғи учун, қолаверса, бу экинларнинг ёғи ажратиб олингач ундан чорвага озуқа, чиқиндисидан совун, қурилишда ишлатиладиган ҳар хил бўёқлар олинади, ёғоч-тахта саноати учун хом ашё олиш мумкин, асаларичилик ҳам кўпаяди. Бизнинг шароитимизда рапс, перко ва режикдан ҳар гектарига 25-30 центнердан ҳосил олиш мумкин. Республикамизда 1994 йили 57 минг гектар ерга перко уруғи қадалган. Ундан бир йилда икки марта ҳосил олиш мумкинлигини инобатга оладиган бўлсак 228 минг тонна уруғ етиштирса бўлади. Ана шу хом ашёдан 90 минг тонна ёғ, 100 минг тонна кунжара, 20 минг тоннадан зиёд совун учун хом ашё олиш мумкин. Афсуски, бизда перкони энди гуллай бошлаган пайтда ўриб олиб, чорвага озуқа сифатида беришади. Яна айрим кишилар «ғалла ёки пахтадан майдонлар кеч бўшайди, бу вақтга келиб экилган перко уруғи унмайди» дер. Бекор гап! Перкони кеч кузда экса ҳам бўлаверади. Рапс ҳам худди перкога ўхшаган. Менинг бу экинларни Ўзбекистонда кўплаб экиш кераклиги ҳақидаги таклифларимни республика Фанлар академияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Олий Мажлиснинг Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасида ҳам қўллаб-қувватлашяпти. Агар бизда шу экинларни экиш кенг йўлга қўйилса, ёғнинг таннархи анча арзонлашади. Седана ҳақида ҳам бир гапни айтмоқчийдим, кўпчилик «ҳозир бозорда седананинг нархи фалон пул» деб эътироз билдириши мумкин. Тўғри, нархи баланд. Аммо у кўплаб экиладиган бўлса, седана кўпаядими, демак, қайси маҳсулот кўп бўлса, нархи ўз-ўзидан арзонлашиши бозорнинг қоидаси-ку!

— Ҳозир дўконларимизда Европа мамлакатларидан келтирилган ёғлар бор. Лекин нархи унча маъқул келмайроқ турибди-да. Наҳотки, хорижда ҳам ёғ қиммат бўлса?

— Тўғри, ҳозир бизда Голландия, Германия ва Франциядан келтирилган ёғ маҳсулотлари кўпроқ. Асосан маккажўхори, пальма, кунгабоқар ёғлари. Мана, Саудия Арабистонида ҳам ёғ заводлари бор экан. Нархи ҳам анча арзон. Уларда ҳам шу—зайтун, пальма, кунгабоқар, маккажўхори ёғлари мавжуд. Хуллас, маблағимизни тежаш имкониятлари бор...

Бизнинг ютуғимиз шундаки, энг ноёб ёғларни фақат Ўзбекистонда ишлаб чиқариш мумкин. Бизда пиёз уруғидан, седана ва исириқдан, анор уруғидан ёғ олиш тажрибаси бор. Мана, дунёда энг арзони, бу — зайтун ёғи. Бизда унинг ўрнини босадигани узум уруғи ёғи. Чунки, зайтун ёғи таркибидаги мавжуд моддаларнинг ҳаммаси узум уруғи ёғида ҳам бор. Ёки бўлмаса, мана, пиёз, седана, исириқ, анор уруғи ёғларини қўшиб бальзам тайёрлаш мумкин — тиббиётимиз учун катта манба. Бу дориларни чет мамлакатлар жон-жон деб сотиб оларди. Бу ҳам иқтисодиётимизни кўтаришга улуш қўшарди.

— Қўқон ёғ-мой комбинатида бир пайтлар данак ва меваларнинг уруғларидан ёғ олиш йўлга қўйилган эди. Яқинда шу корхонанинг тақдири билан қизиқдим. «Хом ашё етишмаётганидан тўхтаб турибди», дейишди. У пайтларда хом ашё қаердан олинар эди?

— Хом ашёнинг асосий қисми ўзимиздан чиқарди. Масалан, боғча ва мактабларнинг болалари ҳар йили ўн тонналаб данак йиғиб берарди.

Эҳ-ҳе... Ўзбекистонда бундай боғча ва мактаблар қанча! Ҳозирги шароитда бу иш яна оммалаштирилса, мактаб ва боғчаларга ҳам, ота-оналарга ҳам, қолаверса, иқтисодиётимизга ҳам катта нафи тегарди...

Яна юртимизда қанчадан-қанча мева-сабзавотларни консервалайдиган заводлар, узумдан вино тайёрлайдиган корхоналар мавжуд. Ўша кезлар Қўқондаги биргина вино заводининг ўзи йилига 180—200 тонна узум уруғи топширарди. 150 тонна узум уруғидан камида 30 тонна ёғ чиқади. Бу ёғ билан битта ихчамроқ қишлоқни йил давомида таъминланса бўлади.

Тараққий этган давлатларда бу хилдаги хом ашёлардан усталик билан фойдаланишади, ҳеч чиқинди қолдиришмайди. Шуларни ўйлаб, бизда ёғ муаммоси пайдо бўлганига ажабланасан, киши. Агар уч-тўрт йил илгари «Ўзбекистонда яқин вақтлар ичида автомобиль саноати вужудга келади» дейишса шахсан мен ишонмасдим. Шундай катта иш уддаланди-ку, ёғ-мойни кўпайтириш ундан юз чандон осон ҳал бўладиган нарса.

Бизда шунча хом ашё бўла туриб, 20 га яқин ёғ-мой корхонаси мавжуд бўлгани ҳолда ёғни кўпайтириш муаммоси нега кўндаланг турибди?

— Назаримда, меваларнинг данаги ва уруғидан ёғ оладиган кичик-кичик цехларни кўпайтириш маъқулмикан...

— Ўзбекистон Фанлар академияси қошида «Академ прибор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бор. Бош директори Саъдулла Баҳромов фан доктори. Унинг раҳбарлигида бирлашма олимлари кичик ёғ заводини ихтиро қилишган. Ушбу мини заводларда перко, рапс, узум уруғларини қайта ишлаб ёғ олса бўлади. Бу мини заводлар суткасига беш тонна хом ашёни қайта ишлайди. Ёғини ёғга, кунжарасини кунжарага ажратади, чиқиндисидан совун тайёрлайди. Шу олимлар Сирдарёда битта мини завод барпо этишган. У ерёнғоқдан ёғ олишга мослаштирилган. Менимча, бундай мини заводлар ҳар бир туманда ёки иқтисодиёти кўтарса, ҳар бир хўжаликда бўлса фойдадан холи бўлмасди.

— Ёғ-мой саноати тизимидаги технологияни янгилашнинг мавриди келмадими?

— Тўғри, технология эски. Бугунги кун талабига мутлақо жавоб бермайди. «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси раҳбарлари бундан икки йил бурун «янги технология оляпмиз» деб ёлғон гапиришган эди. Қани ўша янги технология? Агар технология янгиланса — хом ашё чиқитсиз қайта ишланади, бунда ўз-ўзидан ёғ олиш 30 фоизга кўпаярди. Мен яхши биладиган Қўқон ёғ заводининг ишга туширилганига 47 йил бўлди. Ўшанда ускуналар Германиядан келтирилган, ҳали-ҳануз ишлатиляпти. Ҳолбуки, Германияда бу ускуналар ҳар беш йилда алмаштирилиб турилади. Республикамиздаги бошқа ёғ-мой корхоналарида ҳам шу аҳвол.

Данак заводи ҳақида сўрадингиз, биласизми, шу завод учун 1987 йили 4 миллион сўмлик ускуна олинганди. Бу ускунадан ўрик, шафтоли данагининг, қовун-тарвуз уруғининг пўчоғидан 33 хил касалга даво бўладиган «Энтрогемосалбин» деган дори тайёрланади. Катта маблағ сарфланиб олиб келинган шу ускуна ҳам ҳозир занглаб ётибди, ҳеч кимнинг иши йўқ.

Агар бизнинг мавжуд иқтисодий имкониятларимиз ишга солинса, нафақат республикамиз халқини ёғ-мой билан тўла таъминлаймиз, балки ўзимиздан ортганини хорижга ҳам сотардик. Биздаги табиий ресурсларга ҳар қандай чет давлатнинг ҳаваси келади. Фақат ўзимиз тадбиркорлик қилмаяпмиз. Аниқроғи, шу соҳа мутасаддилари жон койитишмаяпти.

— Сизнинг бу таклиф ва мулоҳазаларингиз илмий муассасалар раҳбарларини, олимлар, мутахассислар ва мутасаддиларни бефарқ қолдирмас, деган умиддамиз.

Суҳбатдош: Саидазим МАРДИЕВ.

ТАҲРИРИЯТДАН: Шу йил 27 февралда газетамизда эълон қилинган мақоладан кейин республика «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси раиси Н. Ҳамидов эгаллаб турган лавозимидан бўшатилди.

Уюшмага раис этиб кўп йиллар давомида шу соҳада ишлаб келган Азамат Бадриддинович Жамолов тайинланди. Янги раҳбар ишни янгича ташкил этиб, соҳада жиддий ўзгаришлар ясайди, деган умиддамиз.

ИСЛОҲОТЛАР ИЖОДКОРИ

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

Дэн Сяопиннинг вафоти муносабати билан бутун Хитой бўйлаб эълон қилинган олти кунлик мотам тугаганига бир неча кун бўлган бўлса-да, кўпчилик хитойликларнинг юрагини мотам кайфияти ҳамон тарк этгани йўқ. Зотан, у замонанинг энг кўзга кўринган сиёсатчиларидан бири эди. Унинг номи туб ислоҳотлар ижодкори сифатида тарихда қолди.

Дэн Сяопин 1904 йилда Сичуань вилоятининг Гуанян қишлоғида ўзига тўқ деҳқон оиласида туғилди. 16 ёшида Францияга ўқишга бориб, ўша ерда марксизм таъсирига тушиб қолади ва коммунистларга қўшилади. 1926 йилда Москвага келиб, Сун Ятсен номидаги университетда бир неча ой таҳсил олади. Шундан сўнг Хитойга қайтиб, партия ишига шўнғиб кетади. 20-йиллар охирида Хитой қизил армияси қисмларида сиёсий комиссар бўлиб ишлади, «Улуғ юриш» жараёнида иштирок этди. Японияга қарши урушда қатнашди. 30 — йилларнинг ўрталарида эса Хитой Компартиясининг асосий раҳбарлари сафига кирди.

Хитой Халқ Республикаси ташкил этилганининг дастлабки йиллариданоқ олий партия ва давлат лавозимларида ишлади. ХКП МК бош котиби вазифасини бажарди. У пайтларда бош котиблик асосан идоравий ишлардан иборат бўлиб, партия раислигидек ҳал қилувчи лавозимни Мао Цзедун бошқарарди.

60-йиллар бошида «катта сакраш» деб номланган қўпорувчилик сиёсати асоратини тугатиш ишларига раҳбарлик қилди. Кейинчалик машҳур бўлиб кетган: «Мушукни ранги қанақалиги — оқми, қорами, қизилми — аҳамияти йўқ, муҳими, у сичқонни яхши овлай олсин», — деган иборани у рамзий маънода айтган эди. Унинг халқ хўжалигига киритган энг катта янгиликларидан бири қишлоқ коммуналари ерини қишлоқ хўжаликларига бўлиб бергани бўлди. Мутахассислар бу ислоҳот натижасини, у мамлакатни очлик қаъридан қутқариб қолди, дея баҳолайдилар.

«Маданий революция» пайтида ХКП МК бош котиби вазифасида ишлаган Дэн Сяопинни мамлакатнинг иккинчи шахси (биринчи — ХХР раиси Лю Шаоци) ўз мансабидан бошқа нарсани кўрмайдиган, синфий курашни ҳал қилувчи омил сифатида тан олмайдиган калтабин раҳбар, дея танқид қиладиганлар топилди. У 1969 йилда ҳибсга олиниб, чекка қишлоққа «қайта тарбияланиш» учун сургун қилинди. Линь Бяонинг фитнаси фош бўлгач, 1973 йилда Дэн Пекинга қайтди.

У «маданий революция»га муқобил сиёсатнинг бош ижодкори бўлиб қолди. Бу «тўртлар гуруҳи»нинг режаларини чиппакка чиқарарди. Шу боис у инқилобга қарши тартибсизликларни аланга олдираётганликда айбланиб, 1976 йил баҳорида яна ҳибсга олинади. Ярим йил ўтгач, Мао Цзедуннинг вафоти ва «тўртлар гуруҳи»нинг қамоққа олинишидан кейин озод этилди.

Дэн Сяопиннинг сиёсий йўлини фалсафий тил билан ифодалаганда, у амалиётга ҳақиқатнинг таркибий қисми сифатида қарар, яъни прагматик эди. Хитойни ундан бошқа сиёсатчилар ҳам бошқарган бўлса-да, ўз нуқтаи назарини ҳаётга мунтазам татбиқ этиш ва ижтимоий ўзгаришларга эришиш фақат унга насиб этди.

1978 йил декабрда ХКП МК пленуми бўлди. У Хитой сиёсий ҳаётида янги босқични бошлаб берди. Улуғ ислоҳотчи Дэн Сяопин таъсирида мамлакатнинг фақаттина хўжалик механизми эмас, бутун ижтимоий-сиёсий йўли ўзгарди.

Бу ислоҳотлар нималардан иборат эди? Аввало, қишлоқда оила пудрати жорий этилди. Икки йил орасида Хитой қишлоқлари ўзини ўзи таъминлайдиган бўлди. 80-йилларнинг ўрталарига келиб, Хитой шаҳарлари ҳам ўзгаришларнинг марказига айланди. Хитой бутун дунёга очиқ деб эълон қилинди. Бу чет эл сармояларини катта миқдорларда жалб этиш, жаҳон хўжалиги ривожланишига мувофиқлашиш имконини берди. Кўп сонли Хитой халқининг турмуш даражаси сезиларли даражада кўтарилди.

Барча партия ва давлат лавозимларидан четлашгандан кейин ҳам Дэн Сяопин мамлакат ва халқнинг норасмий раҳнамоси, Хитой сиёсий ҳокимиятида олий нуфузга эга бўлиб қолди. У гўё мамлакатнинг олий ҳаками эди. «Оқсоқол» аралашувисиз мамлакат тараққиётига доир бирорта ҳам жиддий қарор қабул қилинмасди. Хитойнинг жанубий минтақалари бозор иқтисоди ислоҳотларининг олдинги марраси ҳисобланади. Дэн Сяопиннинг 1992 йилдаги бу минтақаларга сафари шу йўналишдаги ислоҳотларга, иқтисодий ривожланишга жуда катта қудрат бахш этди. Дэн Сяопиннинг яна бир янгилиги шунда эдики, у жамиятнинг сифат ўзгаришлари жараёнини — хитойча хусусиятли социализмга бозор иқтисоди модели ва қатъий сиёсий назорат тизимини уйғунлаштира олди.

Дэн Сяопин мамлакатда сиёсий ислоҳот ўтказишга улгуролмади. Мутахассисларнинг кузатишича, у бунга ҳеч ҳам шошилмаган, киришмаган ҳам. Умуман, сиёсий ислоҳотлар ўтказишга шошмаслик, бу борада жуда эҳтиёткор бўлиш Шарққа хос хусусият саналади. Мавжуд тизимлар, сингиб кетган одатларнинг бирдан кескин ўзгаришини Шарқ «тез ҳазм қилолмайди» дея ҳисобланади. Бироқ Дэн Сяопин ўзига хос тафаккурга эга ислоҳотчи сифатида бу ақидаларга ҳам «таҳрир» киритди. У Хитой раҳнамолари орасида биринчи бўлиб умр бўйи ҳукумат тепасида туриш қоидасига амал қилмади, истеъфога чиқди. Ҳукуматни ёшлар, янги авлодлар, айниқса бошқача йўл тутадиганлар ҳам бошқариб кўриши керак, деган хулосада адолат, бугунги кун ҳақиқати мавжуд, албатта.

Дэн Сяопин узоқни кўра олувчи, «муғомбир» сиёсатчи, ҳар хил вазиятларда энг тўғри хулосага келиш, воқеаларни бошқариш, шарт-шароит тақозосига кўра ўз йўлини ўзгартирувчи, яъни мослашувчан, ўрни келганда шароит ва ҳодисаларга уйғун сиёсат юргизган. У сиёсатни қотиб қолган деб тушунмаган. Ўз халқининг миллий манфаатларига ҳеч қачон хиёнат қилмаган. Миллий хусусиятлар, Хитойгагина хос жиҳатлар акс этган мамлакат сиёсатини жаҳон сиёсатига уйғунлаштирди. Қотиб қолган мезонлар, қолипларнинг қулига айланмади. Ислоҳотларнинг бундай йўли жамият ва халқ орасида энг оз ижобий-иқтисодий ларзалар бўлишини таъминлади.

Дэн Сяопин Хитойда улуғ дипломат ҳам саналар эди. Унинг сиёсий ислоҳотлари ва очиқ сиёсати туфайли Хитой 90-йилларнинг ниҳоясида дунёнинг энг улуғ давлатларидан бири, Осиё ва жаҳонда тинчлик-барқарорликнинг муҳим омили ва кафолати сифатида танилди. Хитойликларнинг фикрига кўра, умри садоқат кўрсатиб турса, у ўзининг «бир давлатда — икки тузум» режасини ҳам муваффақиятли амалга ошира оларди. Дэн Сяопин яшаб турганда Хитойда «замон ҳодисаси» рўй бериши, яъни Гонконгнинг асл ватани — Хитойга қайтиши муқаррар эди, дея ҳисоблайди хитойликлар.

Хитой ўзининг улуғ ислоҳотчи фарзанди билан хайрлашди. Энди бу қадим юртни нима кутмоқда?

Ҳар ҳолда, Цзян Цзэмин бошлиқ ҳозирги ҳукумат мамлакатнинг сиёсий тизими тадрижи ва табиатини ўзгартирмаса керак. Ислоҳотларнинг йўналиши ва хусусиятларида ҳам ўзгариш кутилмайди. Юқоридаги саволга ҳар ким ҳар хил жавоб бериши мумкин. Бироқ бир нарса аниқ: мамлакат ўз сиёсати, иқтисоди ривожланишини жаҳон сиёсати, иқтисоди ривожига уйғунлаштираверади. Зеро, Дэн Сяопиннинг ўзи айтганидек: «Мавжуд сиёсат тўғри эканига халқ ишонса, уни ўзгартирмоқчи бўлганларни унинг ўзи четлатаверади».

Салим АШУРОВ.



Тарих салтанати. Рустам ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Дастурхон тўкинлиги йўлида.
Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

АМЕРИКАДА КИМ АҚЛЛИ?

Атланта. Жанубий ва Шимолий Америкада ўтказилган социологик тадқиқотлар қизғин баҳсларга сабаб бўляпти. Тажрибалар якунидан Шимолий американликлар қаттиқ дарғазаб бўлишди. Тадқиқот қанчалик тўғри-нотўғрилигини билмадиму, лекин унинг натижаси шундай.

АҚШнинг жанубий қисмида яшовчилари шимолликлардан анча ақлли экан. Карнегги-А текслик илмий-текшириш гуруҳи буни тасдиқлаяпти.

Баъзи мутахассислар бу тадқиқот якунига қатъий эътирозлар ҳам билдиришмоқда. Нима бўлгандаям далил-далилда. Ҳозирча улар жанубликлар «ақлли!» деган фараздалар.

Бехабар қолманг

ДЕПСИНИШ ЯХШИ ЧОПГАНДАН

Кўп жисмоний ҳаракат қилиш, югуриш саломатлигимизга кони фойда. Лекин олимлар борган сари қулай ва фойдали тадқиқотлар олиб бориш пайида. Яъни бадан тарбияни ҳам «тежамкорлик» қолипига бироз туширишга тўғри келяпти. Ахир инсон яралибдики мукаммалликка интилади.

Оддийгина мисол. Ортиқча вазн, бод, мускуллар оғриганда, умуман кўп хасталикларда «югуринг» дейишади шифокорлар. Югурдик. Энди тўхтанг дейишяпти. Тўхтадик. Хўш нима гап? Депсиниш керак!

Чунки одам чопганда гавдаси юргандагидан беш марта кучли «силкинаркан». Бу юрак қон-томир, буйрак, жигар хасталикларига зўрлик қилади. Бир жойда «депсиниб» чопганимизда эса югургандан кўра кўпроқ жисмоний ҳаракат, — энергия сарфлар эканмиз.

Колорадо-Спрингиздаги Олимпия марказида доктор Ирвинг Дардик шундай илмий-тадқиқот олиб борди.

— Яхшиси чопманг. Депсиниб «югуринг». Югуриш суякларда ортиқча деформацияшакл ўзгаришига олиб келади. Депсиниш эса жуда қулай, фойдали, — дейди доктор Дардик.

Рости «қулайлигига» қўшиламан. Айниқса, аёлларга бу бадан тарбия қўл келади. майдон ёки йўлкаларда югуришга алоҳида вақт ажратиш, махсус либос кийиш керак. Ўнгайсиз томони — аёллар кўча-кўйда югуриб юришга бироз истиҳола қилади. Ҳамма аёл ҳам югуравермайди демоқчиман. Доктор Дардикнинг «чопиш кашфиёти»ни эса уйдаям бажарса бўладида. Бўйрадек жойда депсиниб «чопиш» унчалар қийин эмас.

Саида ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.

Дарахтнинг ҳам жони бор

Ҳа, дарахтларнинг ҳам жони бор. Тана—орқа мия, бутоқлари—72 минг асаб торлари, етти хил ранги-баданнинг асосий маркази, барглар ўпкадир. Баргларга капалак қурти тушди дейлик. Дарахтлар олдиндан хавфни сезгандек бир-бирларига хабар юбориб, ўз кимёвий «заҳарларини» ишлаб чиқаришади. Тажрибаларнинг кўрсатишича, япроқ ва бутоқлар SOS хабарини юборарканлар. Балки ахборот узатишда биомайдон иштирок этар. Табиатнинг бу мўъжизаси хусусида фанда баҳс кетяпти. Олимларнинг фикрича, дарахтлар ва ўсимликларда ҳам асаб тизими мавжуд. Улар ҳам инсонлардек ҳамма нарсани сезар экан.

МЕЖРЕГИОНАЛЬНЫЙ ЦЕНТР "АЗИЯ-ВОЛГА"

УАЗ

РЕАЛИЗУЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ ЗАПАСНЫЕ ЧАСТИ К АВТОМОБИЛЯМ УАЗ В ШИРОКОМ АССОРТИМЕНТЕ ПО БЕЗНАЛИЧНОМУ РАСЧЁТУ.

1. Блок управления
2. Вал карданный задний
3. Вал карданный передний
4. Вал коленчатый
5. Вал распределитель
6. Вкладыши стандартные
7. Вкладыши 05
8. Вкладыши 005
9. Головка блока
10. Гильза, поршень, кольца
11. Главный тормозной цилиндр
12. Главный цилиндр сцепления
13. Диск ведомый



14. Диск сцепления с кожухом
15. КПП, 452
16. КПП 469
17. Крестовина
18. Маховик в сборе
19. Мост редукторный передний
20. Насос масляный
21. Рулевое управления
22. Двигатель
23. Раздаточная коробка
24. Рабочий цилиндр сцепления
25. Прокладка головки блока
26. Стартер. И др. запасные части.

Со дня публикации объявления в течении 15 дней скидка на запасные части на 10%.
г. Ташкент ул. Навои 16-а. Ком. 221. Тел/факс: (3712) 41-52-41, 41-58-51.

Vatanni sevmak iymondandur!

O‘ZBEKISTON OVOZI

1997-yil 11-mart, seshanba № 31 (22.115).

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

РАНГЛАРГА ОШУФТА КЎНГИЛ

Тасвир ва тасаввур

Ўзбек тасвирий санъати ижодкорлари даврасига ўз услуби ва ҳеч кимникига ўхшамайдиган ранглар дунёси билан кириб келган, асарлари Ўзбекистон Давлат санъат музейида, республика Маданият ишлари вазирлигининг бадиий кўргазмалар дирекциясида, Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқалар банкида, Жаҳон банкининг минтақавий ваколатхонасида, «Ипак йўли» инновация тижорат банкида, мустақил республикамизнинг Япония ва Германиядаги элчихоналари, АҚШнинг диёримиздаги элчихонаси, «Узинвест» суғурта компанияси, дунёга машҳур «Кока-Кола» компаниясида, республикамиз Президентининг «Дўрмон» қароргоҳида, республика табиатни муҳофаза этиш Давлат қўмитасида, қолаверса, Америка, Франция, Италия, Англия, Япония, Испания, Бельгия, Туркия, Югославия, Кипр, Марокаш, Канада, Исроил, Голландия, Швейцария каби ўнлаб мамлакатларнинг музейларида ва қанчадан-қанча шахсий коллекцияларда сақланаётган истеъдодли рассом Ортиқали Қозоқов билан суҳбатлашиш хусусида таҳририят топшириғини олганимда анча ҳаяжонландим.

Ҳаяжонланмай бўладими?! Ахир мусаввирнинг ноёб асарлари, қатор кўргазмалари ҳақида, ижод оламига чақмоқдек кириб келганлиги тўғрисида кўп ёзилган. Мен мусаввирнинг ана шу қаламкашлар шууридан четда қолган қирраларини излашим ва талабчан газетхонларимизга етказишим керак эди.

Кўп қаватли уйнинг болахонасида жойлашган йўлак ва икки хонадан иборат рассом устахонасига киришим билан кўзларим деворларда осиғлиқ турган, турфа рангларда юксак маҳорат билан чизилган хилма-хил мавзудаги ажойиб суратларга тушди. Ўзимни тасвирий санъат музейига кириб қолгандек ҳис қилдим. Мўйқалам тасвирдаги мураккаб манзаралар англаб етишим қийин бўлган воқеалар чуқур мулоҳаза юритишга ундар эди.

Рассомнинг «Ватан ҳақида қўшиқ» деб номланган ажойиб асари менда кучли таассурот қолдирди. Суратда найза тутган эркак ва тор чалаётган аёл тасвирланган. Назаримда, Ватан ҳимоясига отланган ёрини аёл қўлига тор олиб ғалабага, мардликка ундаётгандек.

Истиқлолимизнинг мунаввар тонги нурлари билан йўғрилган рассом асарлари қанчалик мураккаб бўлмасин, уларда қандайдир самимий соддалик ва оддийлик бор. Ҳар бир картинани ўзимча англаб, манзараларга хос ранглар жилосига ҳайрат ва хаёл билан қараётганимни сезган рассом менга халақит бермасдан, бир чеккада жилмайиб турарди. Мен у кишининг вақти нақадар тиғизлигини ўйлаб, дарҳол ўзимни суҳбатга чоғладим.

— Ортиқали ака, ижодкор учун қобилият бўлиши шартми ёки тинимсиз меҳнат, изланиш орқали ҳам яхши асар яратиш мумкинми?

— Менимча, аввало меҳнат, тинимсиз изланиш ва албатта қобилият ҳам керак. Аммо меҳнат бирламчи. Ижодкор ўз устида ишламаса, у бор талантини йўқотиб қўйиши ҳам ҳеч гапмас. «Ижоднинг тўқсон тўққиз фоизи меҳнат» дейишади-ку!..

— Ҳозир бизда санъат соҳасига катта эътибор қаратилмоқда, ижодкорларга шароит яратиб беришга ҳаракат қилиняпти. Жумладан, Президентимиз томонидан Бадиий академиянинг ташкил этилиши...

— Ҳақ гап. Ушбу академиянинг ташкил этилиши қувончли ҳол. Бунинг учун барча ижодкорлар номидан жуда катта миннатдорчилик билдираман. Ва ўйлайманки, бу санъатимизнинг янада гуллаб -яшнашига хизмат қилади. Санъат соҳасига эътибор, ижодкор аҳлига қилинаётган ғамхўрликлар биз ижодкорлар зиммасиға катта масъулият юклайди. Яна шуни таъкидлаш керакки, бу мактабнинг яратилиши келажак авлод учун улкан пойдевор бўлади ва ёшларимизнинг етук санъаткор бўлиб етишишларига ёрдам беради. Зеро, санъат кишини тарбиялайди. Санъатга ошуфта бўлган кўнгил ҳеч қачон ёмонлик қила олмайди.

— Айтишларича, бир буюк рассомни шогирдлари ғамга ботиб, йиғлаб ўтирган ҳолда учратишибди ва ундан бу ҳол сабабини сўрашганида, у: «мен энг буюк асаримни яратиб бўлдим. Энди ижодимнинг чўққисига чиқдим. Бундан кейин нодир асар ярата олармикинман?», деган экан. Сизда ҳам шундай ҳолат бўлганми?

— Биласизми, мен мавзу топиш учун кўпроқ қишлоққа бораман. Бир куни тоғда атрофни кузатиб турсам, қаттиқ товушни эшитиб чўчиб кетдим. Қарасам, узоқда бир чол эшагига қандайдир жониворни боғлаб судраганча ўтиб боряпти. Анчагача жониворнинг ҳайқирган овози қулоқларим тагида жаранглаб турди. Қайтиб келгач, уларнинг суратини чиза бошладим. Аммо ишим юришмасди. Орадан анча вақт ўтиб кетди. Бир куни ҳалиги чала суратни ой нури тушиб турган ҳолда кўриб қолдим. 20 минутда ишлаб тамомладим. Қандай қилиб уддалаганимни ўзим ҳам билмайман. Бу асарни «Кулфат ҳайқириғи» деб номладим. Асар 1992 йилда кўргазмага қўйилди. Кўпчилик асарнинг ажойиб чиққанлигини таъкидлашганда энг яхши асарим шу бўлса керак деб ўйлаганман.

— Дастлаб қайси жанрларда ижод қилгансиз? Илк асарларингиз?

— Мен аввал манзаралар чизардим. Илк асарларимдан бири «Қопқон». Унда олтин шохли кийик қопқонга ҳайрат тўла нигоҳларини тикканча бош эгиб турган ҳолат тасвирланган эди. Асар анчагина муваффақиятли чиққанди.

— Мустақиллигимизга бағишлаб асар яратганмисиз?

— Ҳа, албатта, Мустақиллик кўргазмаси учун анчагина асарлар яратдим. Булардан «Янги кун», «Самарқандда наврўз», «Истиқлол» сингари туркум асарларим мисол бўлади.

— Қандай вақтларда ижод қиласиз? Илҳомингиз...

— Йўқ, мен илҳом келишини кутиб ўтирмайман. Менинг ишлашимга оддий нарсалар ҳам туртки бўлиб, яхши асар яратишим мумкин. Масалан «Мачит олдида оқшом» асаримни олайлик. Оддий дарахтнинг ерга тушиб турган акси шу асарнинг яратилишига сабаб бўлган. Дарахтнинг сояси худди тиловат қилаётган аёлни эслатади...

— Танқидга муносабатингиз қандай?

— Агар асосли танқид бўлса, тўғри қабул қиламан. Ва камчиликларимни тўғрилашга ҳаракат қиламан. Умуман беғараз танқидга ёмон кўз билан қарамайман.

— Қилган меҳнатларингиздан кўнглингиз тўлиб, ижодда ўз йўлингизни топганингизга ишончингиз комил бўлса, бу ҳол кейинги ижодингизга қандай таъсир қилган бўларди?

— Биласизми, ижодкор ўз йўлимни топдим деб тўхтаб қолмаслиги керак. Агар ўзи яратган асарлардан кўнгли тўлиб уларга маҳлиё бўлиб қолса, ишлаши қийин бўлиб қолди деяверинг. Ўз йўлини топган ижодкор ҳам янги усулларни топишга ҳаракат қилиши керак. Менимча халқ назаридан қолишни истамаган ижодкор доимо изланишда бўлиши шарт. Мен шунга амал қилмоқдаман.

— Суратларингизни кузатар эканман, уларнинг ҳар бири жозибали, нималарнидир сўзлаб бераётгандай. Уларга қараган саринг янги маъно кашф қилаверасан. Менга «Уч дўппи» асарингиз жудаям ёқди. Сиз бу асар орқали нима демоқчи бўлгансиз. Асар замирида қандай маъно бор?

— Ҳа, асарларимни кузатган одамлар турли маъноларни уққандек бўладилар. Баъзан уларнинг мушоҳадаларига ўзим ҳам ҳайрон қоламан. Менинг хаёлимга келмаган фикрларни билдириб, асарларимнинг янги қирраларини очадилар. Баъзан суратларимдан шунчалик кенг маъно ўқишганини кўриб ўзим лол қоламан. «Уч дўппи» асарига келсак, унда бир аёл, бир эркак дўпписи ва ой акси туширилган. Уларни зангори новдалар бир-бирларига боғлаб туради. Мен асарда табиат ва инсонларнинг ўзаро боғлиқлиги, улар ўртасида қандайдир уйғунлик борлигини тасвирлаган эдим...

— Анъанавий савол, келгусидаги режаларингиз...

— Аввалambор таклифларига биноан бу йил Германия ва Швейцарияда шахсий кўргазмаларимни ташкил қилмоқчиман. Бундан ташқари, йил охирида ўзимизда ҳисобот кўргазмани ўтказиш ниятим бор.

Мусаввирнинг асарларини кузатар эканман, назаримда бу суратларни аввал ҳам қаердадир учратгандек бўлдим. Бунинг сабаби асарлардаги миллий руҳнинг кучлилиги, рангларнинг жозибадорлиги бўлса керак. Эҳтимол шунинг учун ҳам, рассомнинг асарлари нафақат ўзимизда балки хорижий давлатларда ҳам муносиб баҳоланган бўлса ажабмас.

Дарҳақиқат, Ортиқали Қозоқовнинг асарлари оддий одамни даҳога айлантираётгандай, тулпорсиз кимсани тулпорга миндираётгандай, қанотсизга олий руҳий парвозлар учун қанот тортиқ этаётгандай бўлади. Истиқлолнинг мунаввар тонгги илҳомига яратилган бу ноёб асарлар сиз билан бизга ҳам ўз илҳомини «юқтиради». Барчамизни беихтиёр илҳомий бир муҳитга олиб киради, ўйлантиради, мулоҳаза юритишга ундайди.

Ўз йўлига ва мавзусига эга бўлган, тинимсиз изланаётган, мухлисларини ҳам изланишга чорлаётган тиришқоқ ижодкорга келгусида омадлар тилаймиз. Мўйқаламингизнинг ранглари янада жилвагар ва завқли бўлсин деймиз.

Суҳбатдош: Адиба ҒОЙИБОВА.

СУРХОНДАРЁДА ФУТБОЛ БОР... ФАҚАТ

Спорт

ҚИЗИРИҚ. Туманнинг «Толачи» футбол жамоаси 1996 йили вилоят чемпионатида 8-ўринни эгаллади.

Бу натижадан қониқмаган футболсеварлар спортнинг оммавий турини тиклашнинг имкони борми, деган гапни кўндаланг қўйдилар.

Қарасаларки, туманда футбол чиндан ҳам инқироз чизиғида турган экан, ўйингоҳлар қаровсиз. Футбол анжомлари... ҳатто тўп топилмайди. Бундан икки-уч йил аввал ўтказилиб келинаётган туман биринчилиги деган турнир одамларнинг эсидан чиққан.

Хуллас, футболни тиклаш учун ишни ўйингоҳларга чим ётқизишдан бошлашга тўғри келди. Марказдаги ўйингоҳни пахта тозалаш заводи жамоаси ўз тасарруфига олди. Қишлоқлардаги қолган 4 та ўйингоҳ ҳам обод қилинмоқда. Ўсмирлар, айниқса, мактаб ўқувчилари футболга кўпроқ жалб қилинмоқда. «Толачи» жамоаси бўлса яхши ниятярим давлат, қабилида иш тутиб, 1997 йилда вилоят чемпиони бўлсак, не ажаб деган гапни айтмоқда.

Биз бўлсак, бу гапга «жўжани кузда санайдилар», деган нақлни қўшимча қила оламиз, холос.

ЖАРҚЎРҒОН. Туманда 56 та мактаб бор. Шунча мактабда футбол майдончаси...

Сурхондарёда футбол ҳақида кўп гапиришади. Лекин қилинаётган амалий ишларнинг кўри пастроқ. Буни гоҳи АСК, гоҳи СКА деб номланадиган ва бунақа номланишини ҳалигача кўплар яхши тушунмайдиган етакчи футбол жамоасининг олий лигадан тушиб кетганидан ҳам билса бўлади.

Менимча, бундан воҳанинг йигитлари тўп суришда нўноқроқ экан-да, деган хулосага бормаслик керак. Ёшларнинг, айниқса, мактаб ўқувчиларининг футболга қизиқиши бўлакча. Масалан, биз тилга олган Жарқўрғоннинг Ғафур Ғулом номли мактабида футболсевар ва тўпсурар ўсмирлар ўйингоҳ дарвозасини созлаш учун пайвандчини ўзлари топиб келишди. Бошқа таъмирлов юмушларини ҳам адо этгач, қўшни мактабнинг футбол жамоасини беллашувга чақиришди.

Мактаб ҳовлисини тўлдириб юборган томошабинлар икки ой ўтяптики, шу ўйин ҳақида завқ билан гапирадилар.

Туманнинг 17-мактаби ўқувчилари бўлса, ўйингоҳни ўзлари чимлаб чиқишди. Нафақат Жарқўрғон ва бошқа туманларда ҳам ўқувчилар «ўзинг учун ўл етим» қабилида иш тутиб, ўйингоҳларни созлашмоқда. Ўзларича мусобақалар ташкил қилишмоқда. Фақат...

— Ҳа, фақат ташкилотчилик керак. Иқтидорли ўсмирларнинг бошини силаб, уларни катта-катта беллашувларга тайёрлашга эътибор керак, — дейди Ғафур Ғулом номли мактаб директори Хуррам Аллаев.

Аллаевнинг бу лукмаси — яхши. Лекин у бир қишлоқ мактабининг, афсуски, пайвандловчига гапи ўтмайдиган директори, холос.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲАБИБА ОХУН ҚИЗИ АЙТМАЙ КЕТГАН АЛЛА

Алла дедим, оллоҳ дедим, оҳ дедим,
Ўз юртингда сенга йўқ паноҳ дедим.
Асрадим юрагим остида сени,
Тилагим устида бўл чироқ дедим.
Туғилдинг Алпомиш мисли алп, алла,
Отангнинг отига жабдуғ ёп, алла.

Етмиш йил кўмилди Ерга тилла тахт,
Кўнгилда мунғайди унсиз олий ахд.
Тунли кун тугару эрк куртак тугар,
Темурнинг тахтига мингил, валиахд,
Бошимга оқ дурра ўрагил, алла,
Ўз юртингни ўзинг сўрагил, алла.

Беш оға-инини бўлдилар бешга,
Меҳр кўтарилди, хеш келмас хешга.
Қўшиб беш бармоқни айлантир муштга,
Кечиккан ҳеч бўлар, эш бўлсин эшга,
Юз йил, минг йил оша яша ҳур, алла,
Туркистон кўрғонин қайта қур, алла.

Аллалар айтмакка паллалар энди,
Ҳам бўлмагай олтин каллалар энди.
Ўн болам, минг болам, милён боламга,
Алла дедим, алла, аллалар энди.
Бешик учун дарахт ўтқазгил, алла,
Ҳар қизга ўн бешик тутқазгил, алла.

Умид бешигига гўдаклар тўлиб,
Аллани минг она айтсин жўр бўлиб.
Алладан гўдакни уйқу элитсин,
Катталар, оталар уйғониб кетсин.
Минг алла-ё, юз алла-ё, бир алла.
Бешикда ётибди жаҳонгир, алла.

Тўра МИРЗО

ОБ-ҲАВО

11-15 МАРТ КУНЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ОБ-ҲАВО ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Шу давр мобайнида республикамизда деярли ёғингарчилик кутилмайди. Фақатгина 11 март куни баъзи бир туманларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Ҳаво ҳарорати ҳафтанинг биринчи қисмида меъёрга яқин бўлиб, кечаси 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ ўртасида, кундузи 8-13 даража илиқ бўлади.

Шимолий вилоятларда ҳаво ҳарорати кечаси 4-9 даража совуқ, кундузи 3-8 даража илиқ, ҳафтанинг иккинчи қисмида эса ҳаво ҳарорати бироз кўтарилиб, кечаси 3-8 даража илиқ, кундузи 13-18 даража илиқ бўлиши кутилмоқда.

Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида ёғингарчилик бўлмайди. Ҳаво ҳарорати кечаси 5-10 даража илиқ, кундузи 15-20 даража илиқ, шимолий вилоятларда ҳафтанинг бошида ҳаво ҳарорати 1-6 даража илиқ, кундузи 7-12 даража илиқ бўлиши кутилади.

Мамлакатимиз пойтахти — Тошкентда 11 март куни қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Қолган вақтда ёғингарчилик кутилмайди. Ҳаво ҳарорати кечаси 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ ўртасида, кундузи симоб устуни 8-13 даража илиқни кўрсатади.

Kunnoma

Yangiliklar, voqealar, xabarlar



Siz buni qanday izohlaysiz?

KO`NGILLARGA TASKIN BERIB

NAMANGAN. Viloyat shahar va qishloqlari bahoriy tus olmoqda. Viloyat hokimligi qarori bilan obodonchilik va ko`kalamzorlashtirish oyligi o`tkazilyapti. Navro`z an`analariga sodiq holda bayram arafasi va ayyom kunlari yolg`iz qariyalar, boquvchisini yo`qotgan oilalarga g`amxo`rlik ko`rsatiladi. Bunday xayrli ushda turli korxona va firmalar savobli ishga qo`l urib odamlar ko`nglini olishga chog`lanadilar.

Xolida INOG`OMOVA.

Ўзбекистон ҲДП МК Котибияти партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги фракцияси аъзоси, Навоий вилояти нефть маҳсулотлари таъминоти корхонаси бош директори Ў. Я. Рўзиқуловга опаси

Ҳалима РЎЗИҚУЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти жамоаси газетанинг бош менежери Давлатбек Аҳмедовга волидаи муҳтарамаси

Ҳикоят АҲМЕДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Янгийўл шаҳридаги «Биокимё» заводи жамоаси завод директори Жалолиддин Фахриддинович Муҳиддиновга падари бузруквори

Фахриддин МУҲИДДИНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азиз НОСИРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари);
Салим АШУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»),
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»),
Виктор ЗВЕРЕВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ.НОСИРОВ, навбатчи О. БЕКМУРОДОВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматда 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0141

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди 23.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА